XALQ DEPUTATLARI FORISH TUMANI KENGASH
QARORI

2021 - yil 28 - oktabr VI-41-21-3-53-K/21 Forish tuman hokimligi

Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Яссикечув” маҳалла фуқаролари йиғинига Мусоқул Оролов номини бериш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларидаги мавжуд қонунга зид номларни қайта номлаш, бир-бирини такрорловчи кўча номларини ўзгартириш ва номсиз кўчаларга янги ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ география объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 1 февралдаги 03-08-606-сонли ва 17 майдаги null-0211-сонли хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг 2021 йил 24 июлдаги 01-14-536-сонли, 2021 йил 6 майдаги 01-14-294-сонли йиғилиш баёнида ҳамда 2021 йил 17 августдаги 08-04318-сонли кузатув хати асосидаги эксперт хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиззах вилояти комиссиясининг:

Фориш туманидаги **“Яссикечув”** маҳалла фуқаролар йиғини номини **“Мусоқул Оролов”**га ўзгартириш ҳақидаги таклифи ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг Фориш туманидаги 608 та кўча номлари эксперт хулосасига асосан тасдиқлангани маъқул деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси Фориш туман бўлими (А.Қўлдошев) тумандаги мазкур географик объектлар номлари кадастр ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин ҳамда белгиланган тартибда реестрга ўзгартириш киритсин.

4. Туман Ички ишлар бўлими (И.Хаджамкулов) номи ўзгарган ва янгидан номланган географик объектларда яшовчи фуқароларнинг паспортларига манзиллар бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш чораларини кўрсин.

5. Туман қурилиш бўлими (М.Эгамбердиев) бир ой муддатда барча объектларга, жумладан номлари ўзгармаган, янги номланган ва номлари ўзгариб қайта номланган шаҳарчалар, қишлоқлар ва аҳоли пунктлари номлари ёзилган ягона замонавий миллий дизайн асосида пешлавҳалар ўрнатилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Туман Молия бўлими (А.Казаков) 2020-2021 йилларда ҳудудларда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни қонунда белгиланган тартибда молиялаштириш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

7. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Р.Каримов) Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги ҳамда “Давлат тили ҳақида”ги қонунлари талабларига зид бўлган номларнинг тарғибот қилинишини ёки газета саҳифаларида қайд этилишининг олдини олиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Топонимика хизмати томонидан юритилаётган Географик объектларнинг номлари давлат реестри миллий марказига маълумот учун юборилсин.

9. Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг котибияти ва географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Фориш тумани комиссияси зиммасига юклатилсин.

10. Қарор “Фориш тонги” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **И.Матиев**